

## Енгил Саноат Тармоқлари Рақобатбардошлиқ Омилларини Баҳолаш

**Низамов А. Б<sup>1</sup>, Рахмонов Х. Х<sup>2</sup>, Муқимов А. Ф<sup>3</sup>**

**Annotatsiya:** Ушбу мақолада енгил саноат тармоқлари рақобатбардошлиқ омилларини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси аъзолари бўлган корхоналар ўртасида ўтказилган саволнома таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** рақобат, инновация, инновацион-технология, саноат корхоналари, рақобатбардошлиқ.

Енгил саноат тармоқлари рақобатбардошлиқ омилларини баҳолаш мақсадида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида фаолият юритаётган Ўзбекистон Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси аъзолари бўлган 308 та корхоналар саволнома ўтказиш учун танлаб олинди. Саволнома 5 та гурухга бирлаштирилган омилларни ифодалайдиган 37 та саволдан ва 3 та эркин саволлардан иборат этиб тузилди. “Минтақада енгил саноат тармоғи тузилмаси омиллари” гурухи -10 та савол, “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш омиллари” – 9 та, “Илмий-инновацион фаоллик омиллари” -6 та, “Интеграцион омиллар” – 5 та, “Стратегик бошқариш омиллари” гурухи - 7 та саволни бирлаштирган.

Саволномада иштирок этган корхоналар вилоятлар ва фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланди:

Худудлар	Бухоро	Навоий	Самарқанд	Жами
<b>Фаолият турлари</b>				
<b>Тўқимачилик маҳсулотлари</b>	74	48	11	<b>133</b>
<b>Кийим ишлаб чиқариш</b>	43	73	14	<b>130</b>
<b>Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш</b>	27	11	7	<b>45</b>
<b>Жами</b>	<b>144</b>	<b>132</b>	<b>32</b>	<b>308</b>

Тўқимачилик корхоналари сўровномада иштирок этган корхоналарнинг 43,2 фоизини ташкил қиласа, тикувчилик корхоналари 42,2 фоизни, чарм ва пойафзал – 14,6 фоизни ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, айрим корхоналар ҳам тўқимачилик ҳам тикувчилик фаолиятини олиб боради. Сўровномада тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарининг нисбатан камлигига мутаносиб равишда иштирокчилар сони олинган. Саволномага корхоналарнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислари жалб этилди ва 2023 йилнинг январь-май ойлари онлайн ҳамда оффлайн шаклда ўтказилди. Олинган натижалар ишончлилиги Стъодент мезони орқали таҳлил қилинди.

Сўровнома натижаларини омиллар гурухи бўйича рангларга ажратиб таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, худудлар бўйича улар ўртасида катта фарқ мавжуд эмас. Хусусан, худудларда енгил саноат тармоқлари рақобат афзалликларини таъминловчи саноат “Минтақада енгил тармоғи тузилмаси омиллари” гурухида барча худудларда “Ишлаб чиқариш ҳажми ва сотиши ҳажмининг мутаносиблиги”, “Тармоқ корхоналарининг меҳнат ва хом ашё бозорларидағи нуфузи” тармоқ рақобатбардошлигининг етакчи омиллари ҳисобланади. “Маҳсулот сотишининг

<sup>1</sup> БухМТИ, и.ф.д. проф

<sup>2</sup> БухМТИ, докторант

<sup>3</sup> БухМТИ, магистр



турли каналларининг мавжудлиги ва фойдаланиш даражаси” умумий ҳолда пастроқ аҳамиятга эга бўлсада, барча худуд респондентлари ўз маҳсулотларини сотиш каналларида “Халқаро кўргазмалар” ва “Биржа савдолари”ни юқори аҳамиятга эгалигини билдиришган. Аммо, корхоналар шу каналлардан фойдаланиш билан чекланган ҳолда “Диллерлар тизими” ва “Интернет савдолари”га кам эътибор беришмоқда. Бу эса тармоқ рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

“Маҳсулот сифати даражаси”, айниқса, Навоий ва Самарқанд вилоятлари иштирокчилари томонидан, анча юқори баҳолангандан бўлиб, бу ҳолат корхоналарда сифатга катта эътибор берилаётганликдан далолат беради. “Тармоқнинг инвестицион жозибадорлик даражаси”нинг ҳам юқори баҳолангандиги мамлакатда енгил саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган эътибор, тақдим этилган имтиёзлар билан изоҳланади.

“Ишлаб чиқаришни модернизациялаш омиллари” гуруҳида “Жиҳозларнинг замонавийлик даражаси” ва “Янги қувватларни ва техника-технологияларни ўзлаштириш даражаси” омиллари тармоқ рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор жиҳатлари ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, охирги йилларда енгил саноат тармоқларининг янги корхоналари ишга туширилди, кластерлар ташкил қилинди, соҳадаги етакчи хорижий компанияларининг жиҳозлари ўрнатилди. Бугунги кунда тўқимачилик, тикувчилик соҳаларида замонавий жиҳозлар ҳамда янги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда диверсификациялаштириш асосида турли параметрли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши тармоқнинг рақобатбардошлигини, шубҳасиз, оширилишига хизмат қиласи. Лекин, респондентларнинг фикрича, “Энергия тежамкорлик ва муқобил энергиядан фойдаланиш даражаси” ўрта баҳолангандан бўлиб, унга эътибор ҳали етарли даражада эмас.

“Илмий-инновацион фаоллик омиллари” гуруҳида саволномага киритилган 6 та омилдан атиги биттаси, “Патентлар ва лицензиялар олиш ва ундан фойдаланиш даражаси”, сўровнома иштирокчилари томонидан юқори аҳамиятли омил сифатида эътироф этилган. Вилоятлар бўйича таҳлил қиқлинганда, бу омил Бухоро ва Самарқандда юқорироқ баҳолангандан бўлса, Навоийда жуда паст ўринда.

“Интеграцион омиллар” гуруҳида “Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун хом ашё базасини ошириш имкониятлари” ва “Хориждаги бошқа корхоналар билан илмий-техник, ишлаб чиқариш, моддий-техник ва тижорат ҳамкорлиги тизимининг мавжудлиги” омилларининг аҳамиятлилиги тегишли равишда 10 ва 11 ўриндан жой олган. Тўқимачилик саноатининг асосий хом ашёси бўлган пахта толаси буғунги кунда тўлиқ маҳаллий корхоналарда қайта ишланмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги интеграсиясини мустаҳкамлайдиган кластерлар ташкил қилинмоқда. Лекин шу билан бирга бошқа турдаги тўқима қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун етиштириш, тери ва жун маҳсулотларини қайта ишлашини кенгайтириш учун етарлича хом ашё базасини ошириш имкониятлари мавжуд бўлиб, бу интеграцион жараёнларни янада кучайтиришни тақозо этади[3]. Шу каби, тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш қобилияти ҳам тармоқ рақобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади. Экспорт жараёни эса, корхоналар олдига турли соҳаларда, шу жумладан, илмий-инновацион ишлаб чиқариш йўналишида хорижий ҳамкорликни ривожлантириш вазифасини долзарб қилиб қўяди.

“Стратегик бошқариш омиллари” гурухи бўйича “Корхона раҳбарларининг таваккалчиликка ва ўзгаришларга тайёрлик даражаси” омили респондентлар томонидан жуда юқори баҳолангандан[2]. Бу уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, янгиликларни жорий қилишга, инвестициялар киритишга раҳнамолигидан дарак берса, юқори баҳолангандан “Корхонани самарали бошқариш тузилмаси” мазкур стратегик ўзгаришларни бошқариш учун мувофиқлигини билдиради. Сўровнома иштирокчилари “Инвестицион дастурларнинг самарадорлиги”ни ва “Стратегик ривожланиш дастурларининг мавжудлиги ва самарадорлиги”ни ҳам юқори баҳолашган. Бизнинг фикримизча, бу мамлакатимиз Президенти ташабbusлари ва раҳнамоликларида қабул қилинган 2030 йилгача ҳудудларни ривожлантириш концепциялари доирасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларнинг маҳсулидир[1].



Дастурларни амалга ошириш механизми бир қатор қўллаб-қувватлаш чоралари билан мустаҳкамланганлиги эса, “Ташқи иқтисодий, инвестицион, молиявий, интеграцион фаолиятлар учун яратилган рағбатлантирувчи имтиёзлар даражаси” омилини юқори баҳоланишига асос бўлиб хизмат қиласи. Юқоридаги омиллар тармоқ рақобатбардошлигини оширишга замин яратиб берганлиги шубҳасиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.10.2020 йилдаги ПФ-6097-сон.
2. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. М.: Инфра-М, 2000.
3. КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ КАК ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ СТРАТЕГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ИННОВАЦИОННО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ XX Раҳмонов - АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ..., 2021

